

Қуръон билан хулқланиш



15:00 / 02.08.2020 1895

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуръон ўқийдиган мўмин утружжага ўхшайди. Унинг ҳиди ёқимли, мазаси ширин. Қуръон ўқимайдиган мўмин эса хурмо кабидир. (Хурмо мевасининг) ҳиди йўқ, аммо мазаси ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқ райҳон каби хушбўй, бироқ мазаси тахир. Қуръон ўқимайдиган мунофиқ эса ҳанзала янглиғ ҳидсиз, таъми аччиқдир»** деганлар.

Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Доримий, Аҳмад ривоят қилган.

Мазкур ҳадисда Қуръон тиловат қилиш, Каломуллоҳдан узоқ юриш қандай самара бериши ажойиб ўхшатиш орқали баён этилмоқда. Унда тўрт тоифа киши икки хил мева ҳамда икки хил ўсимликка ўхшатишмоқда: мўмин утружжага, хурмога, мунофиқ эса райҳонга, ҳанзалага менгзалмоқда. Бу билан мўмин банданинг шаъни нақадар улуғлиги, тилида мусулмонликни даъво қиладиган кимсанинг ҳолати нақадар ёмонлигини билиб оламиз. Қолаверса, ҳадисда Аллоҳнинг Каломи банданинг зоҳирига ҳам, ботинига

ҳам таъсир қилиши таъкидланмоқда. Бандалар бу борада бир-биридан фарқ қилади. Ҳақиқий мўмин кўпроқ насибадор бўлади, кимдир озроқ. Қуръон баракасидан умуман бенасиб қоладиганлар ҳам йўқ эмас. Келинг, бу пурмаъно ҳадис шарҳи билан яқиндан танишиб чиқамиз:

“Қуръон ўқийдиган мўмин утружжага ўхшайди. Унинг ҳиди ёқимли, мазаси ширин”.

Утружжа – апельсинга ўхшаган мева. Унинг ҳажми ўртача, кўриниши чиройли, ранги сариқ-қизғиш. Утружжанинг ажойиб ранги киши эътиборини тартади. Унга қараган инсон кўнглида қувонч пайдо бўлади. Қолаверса, утружжанинг хушбўй ҳиди, тотли мазаси бор. Утружжа мевалар ичида энг зўри бўлгани учун ҳам мўмин киши мана шу мевага ўхшатишмоқда. Мўминнинг қалбида имони бор, нифоқ йўқ. У Қуръон ўқийди. Қуръон ўқиши шундоқ юз-кўзидан билиниб туради. Мўминнинг ташқи кўриниши гўзал, хулқи чиройли. Асосийси ички олами – қалби гўзал. Бундан чиқди, комил мўмин бўлиш учун ҳам сиртини, ҳам ичини тўғрилаш керак. Қалбни ислоҳ қилишда, етук мўмин бўлишда Қуръоннинг аҳамияти жуда катта. Қуръон ўқийдиган мўминнинг – худди утружжа каби – таъми мазали: қалбида имон мустаҳкам ўрнашган, ҳидиям хушбўй – одамлар унинг қироатини эшитиб роҳатланадилар, ажр-савоб оладилар, Қуръон ўқишни ўрганадилар. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳадисда “Қуръон ўқийдиган” дейиш билан Қуръонни ойда-йилда бир эмас, доим ўқиш лозимлигига ишора қилинмоқда. Зеро, комил мўмин банда Аллоҳнинг Каломини тоқчаларда ғариб ҳолда қолдирмайди, муттасил ўқиб-ўрганади, илоҳий таълимотларга мувофиқ яшайди.

“Қуръон ўқимайдиган мўмин эса хурмо кабидир. (Хурмо мевасининг) ҳиди йўқ, аммо мазаси ширин”. Буям ажойиб ўхшатиш. Ҳар бир бандадан талаб этиладиган асосий нарса имондир. Мўмин банда имони билан қадрли. Лекин Аллоҳга, охират кунига ишонса-ю, Парвардигори Китобини ўқимаса, унинг қадри пасаяди. Шунинг учун бўлса керак, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Қуръон ўқимайдиган мўминни хурмога ўхшатаптилар. Хурмонинг мазаси жуда ширин, лекин ҳидлаб кўрсангиз, ҳиди йўқлигига амин бўласиз. Бундан чиқди, Қуръон ўқимаслик, ўқишни ўрганишга ҳаракат қилмаслик мўмин банда учун айб саналади. Афсуски, ҳозирда кўп мусулмонлар Қуръон ўқимайди, маъносини тушунмайди. Оқибатда мусулмон бўлгани учун эмас, мусулмон бўла туриб Қуръонни ўқиб-ўрганмагани учун бошига ҳар хил савдолар тушади. Бугунги кундаги кўп ташвишлар айнан диндан беҳабарлигимиз сабабли келиб чиқмоқда.

Бундоқ олиб қарасак, ҳаммаси ёзиб қўйилган, қайси вазиятда нима қилиш кераклиги баён этилган. Бироқ Қуръон ўқилмайди, Аллоҳнинг ҳукми ўрганилмайди. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетишнинг бирдан-бир чораси – Қуръонга қайтиш, Аллоҳнинг Каломини қунт билан ўқиб-ўрганиш. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз, мўмин банда Қуръон ўқимасаям, унинг асли пок. Чунки қалбида имон бор. Қуръон ўқимагани ёки ўқий олмагани билан унинг ботини гўзал, аммо зоҳири ислохталаб.

“Қуръон ўқийдиган мунофиқ райҳон каби хушбўй, бироқ мазаси тахир”. Қуръон ўқийдиган мунофиқнинг райҳонга ўхшатилишига сабаб мунофиқ дилида касаллик бор, тилида мусулмонликни даъво қилади. Лекин қалбида имон йўқ, ихлос йўқ. Одамлар – Қуръон ҳурматидан – риёкор қорини иззат-икром қилишлари мумкин. Бироқ нияти холис бўлмагани учун риёкор кимса Аллоҳ наздида ҳақиқий қорилик мақомига эришолмайди: унга савоб ҳам, юқори мартаба ҳам берилмайди. Маълумки, райҳоннинг ҳиди кўпчиликка ёқади. Аммо баргини чайнаган одамнинг кўнгли беҳузур бўлади. Мунофиқ ҳам шундай. Фақат Қуръон ўқигани учун унинг ҳиди хушбўй. Эътибор беринг: бу гап қалбида нифоқ иллати бор кимса ҳақида айтиляпти. Чинакам мўмин банда Қуръон ўқиш билан қанчалик юқори даражага кўтарилишини шундан ҳам билиб олса бўлади.

“Қуръон ўқимайдиган мунофиқ эса ҳанзала янглиғ ҳидсиз, таъми аччиқдир”. Ҳанзала – таъми, ҳиди ёқимсиз ўсимлик. Меваси апельсин катталигида бўлади. Қалбида нифоқ бор, Қуръондан узоқ банда ҳанзалага ўхшайди. Унинг таъми аччиқ, устига-устак ҳиди ҳам бадбўй. Бу – тўрт тоифа ичидаги – энг паст поғона эгасидир. Мунофиқлик тамғаси бандани жуда паст даражага тушириб юборади. Агар у Қуръондан йироқ бўлса, поғонаси баттар пасайиб кетади. Мунофиққа ибодат қилиш ҳам, Қуръон ўқиш ҳам оғирлик қилади. Шу маънода Абул Жавзо: “Мунофиқ учун Қуръон ўқишдан кўра зил-замбил тошларни кўтариб юриш осонроқ”, деган.

Абу Нуайм “Ҳилятул авлиё”да ривоят қилган

Мунофиқда имон, ихлос бўлмагани учун ибодатни хушуъ билан бажаролмайди, Қуръонни Аллоҳ розилиги учун эмас, одамлар мақтови учун қироат қилади, бор эътиборини фақат ташқи тарафга – моддиятга қаратади. Ҳадиснинг мана шу қисмидан хулоса чиқарадиган бўлсак, аввало нифоқдан узоқ юриш, сиртдан мусулмон бўлиб кўриниб, Исломга тескари ишлардан қилишдан эҳтиёт бўлиш керак. Қолаверса, Қуръонга эътиборимизни кучайтирайлик. Зотан, мўмин-мусулмон бўла туриб Қуръон ўқимаслик маъқул эмас. Чунки Аллоҳ Қуръонни ўқиб-ўрганишимиз,

Каломуллоҳ одоби ила хулқланишимиз учун нозил қилган.

«Қуръон қалблар шифоси» китоби асосида тайёрланди.